

Халқ Сўзи

ЎЗБЕКИСТОН
ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ,
МУҲАРРАМ, 29-КУН.
ШАМСИЙ,
1370 ЙИЛ,
АСАД, 22-КУН.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНING РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январга таваллуд толган

1991 йил 10 август шанба, 153-сон

НАРХИ

ОБУНАЧИГА 7 ТИЯНИ.
СОТУВДА 10 ТИЯНИ.

КПСС Дастури тўғрисида

Партия XXVIII съезди томонидан тузилган комиссия КПССнинг янги Дастури лойиҳасини тайёрлади.

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми билан Дастур комиссиясининг

қарорига биноан лойиҳа умумпартия мунозарасига қўйилади, шу мунозара

тугагач, Дастур КПССнинг навбатдан ташқари XXIX съездида кўриб чиқилади.

Партия Марказий Комитети билан комиссия коммунистларни, мамлакат жамоатчилигини мунозарада қатнашишга таклиф қилдилар. Бу мунозара амалий дастурий мақсадларни ишлаб чиқишга, ички партиявий жипслашувга, КПССнинг бутун фаолиятини янгилашга кўмаклашмоғи лозим.

● (КПСС Дастури лойиҳасининг матни рўзноманинг 2-, 3-саҳифаларида эълон қилинапти).

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Республика қурилиш ташкилотлари ходимлари гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, уй-жой ва маъмурий бинолар қурилишига қўшган ҳиссаси, жамият турмушидаги фаол иштироки учун қуйидагилар Ўзбекистон ССР Фахрий Ёрлиқлари билан мукофотлансин:

АБДУРАХИМОВ Равшан Мусурмонқулович — «Ташоблагро-строй» бирлашмаси 17-хўжаликларо механизациялашган кўча колоннасининг гишт терувчиси.

ОКИЛОВ Авазон Усмонович — «Ташоблагро-строй» трести 15-хўжаликларо механизациялашган кўча колоннасининг бошдиги.

АХМАДЖОНОВ Рустам Зокирович — Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо иншоотларини қуриш бирлашган дирекциясининг директори.

АХМЕДОВ Анавар Ҳайдарович — Тошкент шаҳар ижроия комитети ирригация, гидротехника иншоотлари ва кўналамзорлаштириш трестининг электр пайвандчиси.

БЕКМАНСУРОВ Басир Аҳатович — «Усантехгазмон-таж» трестининг электр пайвандчиси.

ГЕМЕЖИ Сервер Абдуллаевич — «Средазспецстрой» трести 3-махус механизациялашган кўча колоннасини пармалаш қурилмасининг машинисти, Сирдарё вилояти.

ГРИГОРЯН Варужан Павлович — Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги вазирлиги «Промжилводстрой» трести 2-механизациялашган кўча колоннасининг бригадирини.

ЖАМОЛДИНОВ Маҳмадқосим Маҳмудович — «Ташоблагро-строй» трести 12-колхозларо механизациялашган кўча колоннасини ишбошисини.

ЕКШИКЕЕВА Галия Сибгатовна — «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси Ангрэн шахта қурилиш-монтаж бошқармасининг сувоқчи-бўёқчиси.

ЗИЕЗИДИНОВ Афғар Гилмуллоевич — «Главашкентстрой»га қарашли «Ташспецотдестрой» трести дурадгори.

КАЛУСТЬЯН Эдуард Варданович — «Узбекшахта-строй» трестининг бошқарувчиси.

ҚОСИМОВ Маҳмуджон Маъруфович — «Уето» бирлашмаси ганч уймакор устаси.

ЛИ Михаил Антонович — «Главашкентстрой»га қарашли «Таштранспецстрой» трести монтажчилар бригадирини.

МИШУСТИН Илья Васильевич — «Узэлектромонтаж» махус трести электр монтажчиси.

МОРДУХОВИЧ Юрий Семенович — Ўзбекистон шаҳар-созлик лойиҳа илмий-тадқиқот илгоҳи бўлим бошлиғи.

МУРОМЦЕВ Владимир Александрович — Ўзбекистон ССР Бинозорлик материаллари вазирлиги Олмалиқ қурилиш материаллари комбинатининг директори.

НОРБҲАЕВ Маҳмадқосим Мамадуллоевич — «Главашкентстрой»га қарашли «Ташспецотдестрой» трестининг дурадгори.

НУРИДИНОВ Иброҳимжон Паттахунунович — «Главашкентстрой»га қарашли 11-«Висоцстрой» трестининг электр пайвандчиси.

РАҲМАТУЛЛАЕВ Наби Саидқабарович — Автомобиль йўллари Тошкент ишлаб чиқариш бирлашмаси автокранчиси.

СОБИТОВ Анорқул Собитович — «Ташоблагро-строй» концерни 72-Ангрэн автокранчиси директори.

САМАТОВ Саттор — Шеробод механизациялашган кўча колоннасини бўлгозор машинисти, Сурхондарё вилояти.

ТОШМУРОДОВ Отамурод — «Ташкентводстрой» трести 5-механизациялашган кўча колоннасини бошдиги.

ТИТАРОВ Борис Михайлович — «Ташоблагро-строй» трести 4-механизациялашган кўча колоннасини экскаватор машинчиси.

УМУРБОВЕВ Омилжон — «Ташоблагро-строй» трести колхозларо механизациялашган кўча колоннасини бригадирини.

ҲАКИМОВ Эркин Эргашевич — «Ташоблагро-строй» бирлашмаси бошдигининг биринчи ўринбосари.

ҲАФИЗОВА Фанира Гатауллоевна — «Ташоблагро-строй» бирлашмаси 35-хўжаликларо механизациялашган кўча колоннасини сувоқчи-бўёқчиси.

ХЛАМОВ Анатолий Всеволодович — «Ташкентводстрой» трести 4-механизациялашган кўча колоннасини газ-электр пайвандчиси, Тошкент вилояти.

ХОРИСОВ Воғиз — Ангрэндаги «Водоканал» ишлаб чиқариш бошқармаси директори.

ШУР Григорий Яковлевич — «Главашкентстрой»га қарашли 1-ёғочсозлик заводи директори.

ҚУЙИДАГИЛАРГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚУРУВЧИ» УНВОНИ БЕРИЛСИН

АЪЗАМОВ Абдулғаффор — «Главашкентстрой» бошдигининг ўринбосари.

АСОМОВ Хусниддин — уй-жойлар ва жамоат биноларини типовой ва тажриба лойиҳалаш Тошкент зонал илмий-тадқиқот ва лойиҳа илгоҳининг директори.

АСҚАРОВ Озод Ҳожиёвич — Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси.

БОТИРОВ Зафар Отажоневич — Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси капитал қурилиш, транспорт ва алоқа бўлимининг мудири.

ЗОКИРОВ Тоҳир Обидович — «Главашкентстрой»га қарашли 12-қурилиш трестининг бошқарувчиси.

ЖУМАНОВ Турди — «Ташоблагро-строй» бирлашмаси 35-хўжаликларо механизациялашган кўча колоннасини бошдигини.

КАПУТҚОВ Феликс Александрович — Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги вазирлиги «Промжилводстрой» трестининг бошқарувчиси.

КНЯЗЕВ Александр Иванович — «Главашкентстрой»га қарашли 11-«Висоцстрой» трестининг электр пайвандчиси.

МУРОДОВ Саидамин Набиевич — Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги вазирлиги «Промжилводстрой» трестининг 5-иختисослашган механизациялашган кўча колоннасини бригадирини.

СОБИРОВ Ҳуснибой — 78-хўжаликларо механизациялашган кўча колоннасини бошдиги, Фарғона вилояти.

ҚУЙИДАГИЛАРГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МЕЪМОР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИЛСИН

ТҲҲТАЕВ Азамат Рамзиддинович — Ўзбекистон тажриба илмий-таъмирлаш ва меъморлик-бадний устaxonасининг директори.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**, Тошкент шаҳри, 1991 йил 9 август.

ҚУРУВЧИЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

9 август кунин Тошкентда қурувчиларнинг касб байрағига бағишланган тантаналинг йилгили бўлди.

Ингилишини Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари И. Х. Жўрабеков очди.

Тармонининг сўнги даврдаги ишига яқин ясалди. Нутқларда республика қурилиш комплексини юз берган кийини валятнинг сабаби мамлакатдаги умумий иқтисодий

аҳвол эканлиги таъкидланди. Хўжалик алоқаларини тиклаш, қурилишда ишни барқарорлаштириш, ички резервларни излаб топиш юзасидан катта иш қилишга тўғри келди.

Ингилишда Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси раисининг ўринбосари П. Нўрмонов қатнашди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИ КОМИТЕТЛАРИДА

БОЗОР БЎСАҒАСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Иқтисодий ислохот, бюджет сисёати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш янги комитетининг аъзолари ўзларининг биринчи мажлисларида республиканинг секкин-аста бозор муносабатларига ўтиши билан боғлиқ муаммоларни муҳокама қилдилар. Мажлиси комитет раиси ваифасини бақарувчи Э. Н. Хўжаев олиб борди.

Комитет мажлисида Ўзбекистон ССР Давлат банки уставининг лойиҳасини маъмуланида ва Ўзбекистон ССР Давлат банки бошқарувининг таркиби ва раҳбарларининг лавозим машошлари тасдиқланди.

Депутатлар «Ўзбекистон ССРда хоржий сармоёллар тўғрисидаги Ўзбекистон ССР қонунини амалга ошириш юзасидан комитет тадбирларини кўриб чиқиб, тасдиқладилар. Мажлисида янги комитетнинг 1991 йил иккинчи ярминдаги иш режалари тасдиқланди.

(ЎзТАГ).

УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЖАМҒАРМА ТАЪСИСЧИЛАРИНИНГ АНЖУМАНИ

9 август кунин Тошкентда Улуғбек номидаги Ўзбекистон республика жамғармаси таъсисчиларининг конференцияси бўлиб ўтди. Унинг катнашчилари жамғарма ташкил этилган пайтдан буён ўтган қисқа муддатда истеъдодли ёшлар учун қўлгина фойдали ишлар қилинганини таъкидладилар. Иختисослаштирилган синфлар ва мактаблар очилди. Уларда математика ва физика, янги-янги фанлар чўқур ўрганилмоқда. Улуғбек номидаги жамғарма шу мактабларда дарс бераётган иқтидорли муаллимларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда. Мактабларнинг истеъдодли ўқувчилари учун ҳар бири 100 сўмлик юзта стипендия, талабалар учун давлат стипендияларига қўшимча равишда 25 та стипендия таъсис этилди. Фан ва техниканинг устивор йўналишлари бўйича муносабатлар ўтказилди.

Конференция катнашчиларини яхшилаш юзасидан қўлгина қўлматли таклифлар айтишди. Жумладан, улар фондага фал ёрдам берувчилар учун солиқ со-

лишда имтиёз бериш тартибини ишлаб чиқишни таъкидладилар. Тошкентда мутахассислар тайёрлашган калкоро маркази барпо этиб, унга хоржий дорил-фунунларнинг муаллимларини таклиф қилиш зарур. Бу марказда кўпроқ истеъдодли ёшлар ўзларининг касбор даражасини ошириш имкониятига эга бўладилар. Ўзбекистон вилоятларида ва Қорақалпоғистонда жамғарманинг бўлимларини очиб мақсадга мувофиқдир.

Анжуманда жамғарманинг кенгаши сайланди. Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг биринчи котиби А. Н. Носиров Жамғарма кенгаши бошқарувининг раиси этиб сайланди. Тошкент давлат иқтисодий дорилфунунининг ректори С. С. Ғуломов раис ўринбосари бўлди.

Конференцияда Ўзбекистон ССР Президенти кенгашининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси раисининг ўринбосари Э. Самандаров нутқ сўзлади.

ЕРГА ТЎЛА БАҲО БЕРИЛСИН

СССР Вазирлар маҳкамаси СССРда Давлат ер кадастри ва ер мониторингини юритиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқланди. Жумладан, уларни юритиш соҳасида иттифоқ даражасида ва республикаларда амалга ошириладиган ишлар тегишли равишда Иттифоқ бюджетини ва республикаларнинг бюджетлари ҳисобидан давлат ер тузилиши хизмати томонидан бақарилди, деб белгилаб қўйилди.

(ЎзТАГ).



Тошкент шаҳридаги 22-болалар интернатининг тарихи узок. Унинг доврўғини бутун мамлакатда яхши билишди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамини Антонина Павловна Хлебущкина интернатни оёқда турғизгунга қадар не бир машаққатлар чекмади, дейсиз. Бу онахон ҳали ҳам тиниб-тинчигани йўқ. Эндилкида у интернатни кенгайтириш ва таъмирлашни режалаштирмоқда. Бу хайрли ишлар учун яқинда Ленин номидаги Бутуниттифоқ бола-

лар фонди 7 миллион сўм ажратди. Таъмирлаш ишлари 1992 йилда бошланади.

СУРАТДА: (чапдан) Ўзбекистон Қурилиш вазирлиги капитал қурилиш бўлимин бошдиги Х. Мадалиев, интернат директори А. П. Хлебущкина ва мазкур вазирлик партия ташкилотини котиби Р. Сафоев.

Еркин БОТИР олган сурат.

«Халқ сўзи»га ёзилишмоқда

ГУЛИСТОН. Улуғбод посёлкида истиқомат қилаётган аҳоли «Халқ сўзи» рўзномасига ёзилишмоқда.

ХАЛҚ дардини холисона ёритётган рўзнома муштарийлари кун сайин кўпайиб бораёпти. Эрталаб сал кеч кўчага чиққилар рўзномани харид қилолмай доғда қоли-

ОРТИҒИ БИЛАН

Хом ашё ва материаллар етказиб беришдаги кийинчиликларга қарамай, Қўқондаги Оқунбобоев номи тикувчилик фабрикаси жамоаси ишлаб чиқариш топшириқларини муваффақиятли уддалабгина қолмай, режага қўшимча ишлаб чиқарилган маҳсулотини савдо тармоқларига етказиб бер-

(ЎзТАГ).

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг

СОЦИАЛИЗМ, ДЕМОКРАТИЯ, ТАРАҚҚИЁТ

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

Мамлакат хавфсизлиги ва мудофааси

Давлатнинг пишиқ-пухта мудофаа қобилиятини сақлаб туриш: Узро боғлиқ мудофаа, сиёсий, иқтисодий ва экологик чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига оладиган янги ҳарбий доктринани турмушга таъбиқ этиш;

ССР Иттифоқи ягона кўп миллатли Қуролли Кучлари, марказлаштирилган ҳарбий раҳбарлигини сақлаб қолиш ва ривожлантириш;

Мудофаа учун етарлилик қондасига мувофиқ Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш, Қрв ва флотни профессионал ҳарбий хизмат билан ҳарбий мажбуриятни бирга қўшиш асосида шакллантиришга ўтиш; ҳарбий хизматчиларни ва уларнинг оила аъзоларини, ҳақиқий ҳарбий хизматдан захирага ёки мудофаа бўшатилган кишиларни ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш; муқобил хизмат имконияти;

гайриконституциявий қуролли тузилмаларни вужудга келтиришга йўл қўймаслик;

қўшилари Совет Иттифоқида қарши ҳар қандай таъжубуни даф қиладиган тарзда жанговар шай ҳолатда сақлаш учун зарур миқдорда қурол-яроғлар ишлаб чиқариш ва тақомиллаштириш; қурол-яроғларни АҚШ ва бошқа давлатлар билан тенг миқдорда қўрсатириш, ядровий, химиявий, биологик қуролларни ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролларини тутатиш йўлини давом эттириш;

Совет Армиясининг обрў-эътиборини, Ватан ҳимоячиларига аънаваний ҳурматни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва мудофаани мустаҳкамлаш учун эришилган ҳамма нарсаларни ардоқлаб асраш, фуқароларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш.

Халқаро сиёсатда

Давлатлараро муносабатларни янги сиёсий тафаккурга мувофиқ ривожлантириш, янги хавфсизликнинг лухта тизимини шакллантириш, давлатлараро ва миллатлараро зиддиятларни зўрлик билан эмас, балки сиёсий усуллар ёрдамида эришилаётган инқилоб билан бартараф этиш;

IV. Партия кимларнинг манфаатларини ифодалайди

Партиямига ишчилар синфининг сиёсий ташкилоти сифатида асос солинган эди. У жамиятни барча меҳнат-кашлар манфаатлари йўлида инқилобий ўзгаришни мумкинлигини пролетариатнинг деҳқонлар билан иттифоқ бўлиб кураш олиб бориши билан боғлиди.

Ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиёти, илм-фан-техника инқилоби жамиятнинг ижтимоий тузиллишига туб ўзгаришлар келтирди. Илм-фан ва маданиятда, техникада ва ишлаб чиқаришни ташкил этишда, маориф ва соғлиқни сақлашда, бошқарув ва хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлганлар салмоқи кескин даражада ошди. Меҳнаткашлар турли табақалари манфаатларининг чамбар-час чаतिшиб кетганлиги аққол кўриниб турбди.

Бу туб ўзгаришларни тан олмаслик — партияни сиёсий жиҳатдан яқинлашиб қолшига ва маълумиятга маҳкум қилиш дедмақдир. Партия бутун меҳнат аҳлининг манфаатларини изчилик билан ифодалаб ва ҳимоя қилишга ўз дастурий мақсадлари амалга оширилишига умид қилиши мумкин.

Биз меҳнаткашлар учун энг муҳим муаммоларни ҳал қилишга интилаймиз, балки уларнинг асосли талаблари ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаймиз, оммавий ташаббуслар билан ҳамкорлик қиламиз, ижтимоий тараққиёт учун кенг ва хилма-хил демократик ҳаракатларни ялпизлаштириб, уларни сиёсий жиҳатдан маърифатли қилишга ва ташкил этишга кўмаклашамиз.

Биз ишчилар ҳаракати билан баҳамжиҳат иш олиб бориш, касоба уюшмалари билан биргаликда ишчиларнинг манфаатларини ҳимоя қиламиз, барча даражадаги ҳокимият идораларида ишчилар синфининг нуносиб вакиллари бўлишига, меҳнат жамоаларининг корхоналарга аъалик қилиш ва ўз меҳнати натижаларини тасарруф этиш ҳуқуқи учун; айниқса, бозорга ўтиш босқичида ижтимоий ҳимоянинг ишончли тизимига эришишга, ишлаб чиқаришнинг ички тузилишини ўзгариштириш ва янгиллашга, мудофаа санаоти конверсия қилинишига; меҳнат шариоти яхшиланишига, хотин-қизларни улар салооматлиги учун зарарли ишлаб чиқаришдан озод қилишга, шахтёрлар, нефтчилар, металлургия, қурувчилар, санаот базавий тармоқларининг бошқа ходимлари, оғир жисмоний меҳнат билан шуғулланувчи одамлар, мураккаб шариотда ишлаётган, янги ҳуудларни ўзлаштириб бораётган, уйдан, оиласидан узоқ ажралиб қолган одамларнинг ўзига хос эҳтиёжлари ҳисобга олинишига эришиш учун курашамиз.

Биз ишчилик меҳнатчилари ташкилотлари билан биргаликда деҳқонларнинг манфаатларини ҳимоя қилаверамиз, деҳқонлар эркин танлаб олган мулкчилик ва хўжалик юритиш шакллариини ҳурмат қиламиз; қишлоқда замонавий меҳнат ва турмуш шароитларини вужудга келтиришга, ижтимоий ёрдамчи тармоқларни ривожлантиришга, қишлоқ аҳолисини ўзини-ўзи бошқаришга, ҳокимият органларида уларнинг тўла ҳуқуқли вакиллари бўлишига фаол кўмаклашамиз; деҳқонлар турмуш тарзининг энг яхши яънаалари тикланишига, деҳқонлар маънавияти ривожлантирилишига ёрдам бераверамиз.

Биз иккидун уюшмалар ва илмий-техникавий жамиятлар билан ҳамкорликда аъилларнинг манфаатларини ҳимоя қиламиз, аъил меҳнат ижтимоий маъмои ва баҳоси оширилишига эришамиз; олимлар, инженерлар ва конструкторларнинг адабиёт ва санъат арбобларининг маъмурий ва маъмурий аъволларидан ҳоли бўлган иккидун иланишларига кўмаклашамиз; муаллимлар ва ишқорлар, давлат хизматлари ва иккидун бошқарув соҳаларида банд бўлган шахслар, ҳар-қон хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари

ССР Иттифоқининг, мустақил республикаларнинг барча қитъалардаги мамлакатлар билан, уларнинг уюшмалари ва ҳамжамиятлари, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

умумеропа жараёнида, Осиё-Тинч океан минтақасидаги кўп томонлама ҳамкорлини ривожлантиришда ташаббус билан қатнашиш;

халқаро ташкилотлар, аввало БМТ фаолиятида фаол иштирок этиш; инсоният олдида турган янги муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамжиҳатлигини ривожлантириш;

чет эл коммунистик ва социалистик партиялари билан, бошқа тараққиётпарвар жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлари билан тинчлик, хавфсизлик, маҳаллий барқарорлик йўлидаги курашда куч-гайратларни бирлаштириш учун ҳар томонлама ҳамкорлини ривожлантириш. Фаолиятнинг юқорида кўрсатиб ўтилган мақсадлари ва йўналишларини партия жамиятнинг илгари силжиши давомида тўлдирилиши ва бойитилиши мумкин бўлган ҳаракат дастури деб билади.

Режалаштирилган мақсадлар амалда бўлганда чиқарилган сайн инсонларга, демократик социализм жамияти таркиб топа боради. Бу жамиятга:

— халқ фаровонлигини оширишни кўзлайдиган илмий ва технология тараққиёт учун кенг имкониятларга эга бўлган аралаш иқтисодиёт;

— иқтисодий самаралорлини ижтимоий адолат қондалари, меҳнат натижаларига қараб тақсимлаш ва фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш билан бирга қўшиш;

— фуқаролар жамияти, сиёсий ва гоъвий фикрларнинг хилма-хиллиги, турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифодалаш имконияти, уларнинг ҳамкорлиги;

— вақолатли ва бевосита демократия шаклларида амалга ошириладиган ҳақиқий халқ ҳокимияти, қонуннинг устуллиги, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари нафолатлари;

— инсонпарварлик олий мақсадларига ва умумбашарий қадриятларга йўналтирилган илм-фан, маориф ва маданият, уларнинг ютуқларидан ҳаммамнинг баҳраманд бўла олиши асос бўлади.

Инсонпарвар, демократик социализмнинг қиёбасини биз маза шундай тасаввур этамиз. Эксплуатациядан ҳамма турдаги ижтимоий зўмдан ҳалос бўлган, ўз қобилиятларини ривожлантириш ва намоён этиш, хилма-хил эҳтиёжларни қондириш учун тўла фуқаролик ҳуқуқларини ҳамда кенг имкониятларни олган инсон бу жамиятнинг мақсади ва марказидир.

ри ходимлари меҳнатига нуносиб ҳақ тўлашишига ва уларнинг меҳнати жамият томонидан юксак баҳоаланишига эришаверамиз.

Биз турмушнинг барча соҳаларида, жумладан бошқарув соҳасида хотин-қизларнинг ҳақиқий тенг ҳуқуқлилиги қарор топиши тарафдоримиз. Хотин-қизлар ташкилотлари билан биргаликда аёлларнинг оилада, насб билан боғлиқ ва ижтимоий фаолиятда ўзини кўрсатишига имкон берадиган йўлни эркин танлаб олшини таъминлайдиган шарт-шароитларни яратишга кўмаклашаверамиз. КПСС давлат сиёсатини жамиятда оила маънавиини, ота-оналар обрўсини оширишга, болаларни тарбиялаш учун қулай иқтисодий ижтимоий ва маънавий-ахлоқий шарт-шароитларни яратишга қаратиш учун ҳаракат қилаверамиз.

Биз қосомол, талабалар ва бошқа ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорликда ёшларга доир кенг ва самарали давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол иштирок этаверамиз; ҳокимият ва бошқаруving барча муассасаларида ёш ишчилар, деҳқонлар, талабалар ва ўқувчилар ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилаверамиз.

Биз кеска авлодга мансуб кишилар, уруш ва меҳнат фахрийлари манфаатлари йўлида жамоат — давлатнинг ҳар томонлама дастурларини амалга ошириш, яшаш учун зарур бўлган маълумотнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган пенсиялар ва нафақалар бериш нафолатларини, уларнинг салооматлиги, турмуши ва баҳоли қудрат меҳнати тўғрисида гамхўрлик қиладиган ижтимоий хизматларни кенгайтириш, жамиятда катталарга ҳурмат ва эътибор муҳитини вужудга келтириш тарафдоримиз.

Биз ҳайрия жамиятлари ва жамғармалари билан биргаликда аҳолининг энг нозик табақалари; болалар, айниқса, кам таъминланган оилалардаги ва етим болалар; болали ёлғиз аёллар; ногиронлар давлат ва жамият томонидан самарали ҳимоя қилинишига, уларда меъриый турмуш шариоти ва ижтимоий ишга баҳолиқудрат ҳис-са қўлиш имконияти бўлишига эришаверамиз.

Бизнинг ижтимоий устуворликларимиз ана шундайдир. Биз меҳнаткашлар кенг табақаларининг манфаатларини ҳимоя қилар эканмиз, ижтимоий ва касб белги-ларига қараб ҳар қандай камситишни рад этамиз. Партия ҳусусий ишбилармонларнинг қонунга асосланган фойдали фаолияти ва ишбилармонлик соҳасидаги фаоли-лигига ижобий нуносабатда бўлади.

Биз миллий белгисига қараб ҳар қандай камситишни қатъий рад этамиз, байналмиллаллик, мамлакат халқлари ўртасидagi дўстлик ва ҳамкорлини қаттиқ туриб ҳи-моя қилаверамиз.

Биз барча фуқароларнинг иккидун эркинлиги тарафдоримиз. Партия динга ишонувчиларнинг ҳис-туғйуғуларига ҳурмат билан қарайди. У диндан сиёсий мақсадларда, миллатлараро можароларни келтириб чиқариш учун, шахсининг дуйфқарашига тоқатсизлик, турли динлар тарафдорлари ўртасида, шунингдек динга ишонувчилар, ишони-майдагилар ва дахрийлар ўртасида душманлик ва нафратни келтириб чиқариш учун фойдаланишига йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблайди.

Бизнинг партиямиз Совет давлати қонунарига мувофиқ яшаётган барча ижтимоий табақалар ва айрим фуқаролар билан кенг ҳамкорлик қилиш учун очкидир. Биз кенг ижтимоий ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлини ҳимоя қилар эканмиз фақат давлат ва жамиятга қарши фаолият йўлига, иқтисодий жиноятлар ва порага учин йўлига ўтиб олганларга қарши; ирқчиликни, шовинизмни, миллий экстремизмни ва бошқа башариятга қарши гояларни тарғиб қилувчиларга қарши; сиёсий курашда

зўравонлик воситаларига асосланувчиларга қарши иш олиб борамиз. Биз ашаддий гайрикоммунизмга сиёсий экстремизм ва демократияни рад этишни жамият тақдир учун энг хавfli шакли, деб қарши чиқамиз.

Партия жамиятдаги кенг меҳнатчилар табақаларининг манфаатларини ифодалаб, халқ учун муштарак вази-фалар ҳал этилишига ҳам эришаверади, бунингсиз ҳеч ким-

нинг фаровонлигига эришиб бўлмайди. Партия давлат-чилигимизни ривожлантиришни, жамиятни демократик ислоҳ қилишни ва тинчликни таъминлашга ҳамда мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилишига қаратилган самарали ташқи сиёсатни фуқаролар тотувлиги учун асосни ташкил этувчи ягона умуммиллий манфаат деб билади.

V. Сиёсий ҳаракатлар партияси учун

Янги вазифаларни фақат тубдан янгиланган партия — сиёсий ҳаракатлар партиясини муваффақиятли ҳал қила олшини коммунистлар яхши англайдилар. Жамиятда бундай партиянинг мавжид халққа яқин ва тушунарли бўлган, унда ишонч туғдирадиган ва мададига сазовор бўладиган чинакам сиёсатни ишлаб чиқа олиши ва амалга оширишига қараб белгиланади. Унинг таъсири ва обрўси партияларга оммаси гоъвий бирлиги, ташаббускорлиги ва фаоллигига, ҳар бир коммунистнинг уш-қоқлиги, онгли интизому ва ахлоқий жиҳатдан тутган мавжид бевосита боғлиқдир.

Гоъвий-назарий бойликларни узлуқсиз қўлайтириб бориш, жамият тараққиёти замонавий тамойилларини ижодий таҳлил этиш, турғунликка ва бир жойда депсиниб туришга маҳкум этувчи эски ақидалар ва сиёқаликлардан воз кечиш партия учун ҳаётий заруратдир.

Партия ўз гоъларини кенг тарғиб қилиш йўли билан, меҳнат жамоаларида ва истиқомат жойларида иш олиб бориш орқали, демократик сайловларда иштирок этиш орқали, ҳокимият идораларидаги ўз вакиллари, касоба уюшмалари, бошқа жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлар билан баҳамжиҳат ҳаракат қилиш орқали ўз дастурий мақсадларини амалга оширишга эришаверади.

Партияни қуқур демократиялаш — уни янгиллаштириш энг муҳим йўналишидир. Бу эса КПСС таркибига кирувчи республика партиялари мустақиллигини, маҳаллий ва бошланғич ташкилотлар ташаббускорлиги учун кенг имкон беришни тақозо этади. Улар сиёсий ҳаракатларнинг биригиб барча коммунистларнинг КПСС Дастури қондаларига содиқлиги, партия Устави талабларини, умумпартиявий қарорларни бажаришига асосланади. Турли партия ташкилотлари иш олиб бораётган хилма-хил шароитларни ҳисобга олиб, — улар аниқ вазиятда ҳаракат қилиш тактикасини мустақил белги-лайдилар.

КПССни демократиялаш партия ташкилий тузилмаларининг ўзгарувчан шакллариини, коммунистларнинг самарали ҳаракат қилишига, партия барча бўғинлари кучини ҳокимият органларига сайловга тайёргарлик чоғида, референдумлар ўтказишида ва бошқа сиёсий кампанияларда бир йўналишга қаратишга имкон берадиган доимий ва вақтинчалик бирлашмаларини кўзда тутади.

Партияни янгиллаш жараёнида коммунистлар фикрларини, барча даражаларда қарорларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда, раҳбар органлар ишини назорат қилишида уларнинг иштирокини таҳлил этишининг доимий ишлаб турадиган воситаларини вужудга келтириш ва тақомиллаштириш зарур. Сиёсий мунозаралар, партия платформалари теварағида эркин бирлашиш, озчилик ҳуқуқларининг қафолати демократиялаш мақсадларига кўмаклашади.

Партия аъзоси ўз билимлари ва қобилиятларига энг кўп даражада мос келадиган партиявий фаолият соҳасини эркин танлаб олиши мумкин. У партия ва жамият турмушининг ҳар қандай масалалари ҳусусида ўзи тутган йўлни ошқора айтиш: КПСС сиёсатини шакллантиришда бевосита қатнашиш, дахрийлик эътиқодларига амал қилиш ёки динга ишонши ҳуқуқига эгадир. Коммунистларнинг ҳуқуқлари уларнинг бурчларидан ажралмасдир. Коммунистлар партия ташкилотларидан бири ишида қатнашади, бошқача айтганда унинг сиёсий йўлини ўтказиши, аъзолик бадалларини тўлайди, унга моддий мадад беради. Партия коммунистларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари Конституция йўли билан ҳимоя қилиниши учун курашади, уларга сиёсий, моддий ва маънавий воситалар билан ўртоқларча мадад беради. Партия ташкилотларида ўртоқлик ва номаотчилик, бой ақлдорк ва маънавий турмуш муҳитини қўллаб-қувватлаш, ҳар бир коммунист шахсининг ривожланишига,

гоъвий эътиқодининг қарор топишига ёрдам бермоқ керак.

Биз КПССга хайрихоҳ бўлган ва у билан турли шаклларда ҳамкорлик қилишга тайёр турган фуқароларни табириқлаймиз.

Биз демократик мақсадларимиз ёш авлоднинг кайфияти ва мудоаоларига ҳамоҳанг деб умид қиламиз, бу мақсадларга фақат уларнинг фаол манфаатдорлиги билан иштирок этиши орқали эришиб мумкин. Партия ёшлар, уларнинг куч-гайратлари, изланишлари ва ижоди учун очкидир.

Партиянинг омма орасида олиб борадиган жонли ишлари давомида сиёсий муҳолифлар билан баҳс олиб бориш ва ишонтиришга, билимдонлик билан мустақил ҳаракат қилишга, меҳнаткашларнинг манфаатларини ифодаловчи ва ҳимоя қилувчи бўлишига лаяфатли моҳир ташкилотчилар этишиб чийиши лозим. КПСС ана шундай коммунистларни Советларга сайловда, ҳокимият тузилишларида раҳбарлик лавозимларида, шунингдек партиянинг маҳаллий ва маҳаллий органларига номзод қилиб кўрсатилади. Улар ўз обрўларини лавозимлари билан эмас, балки қобилиятлари ва билимлари билан, гоъвий эътиқоди ва маънавий қиёбас билан мустаҳкамлайдилар. Партияда унинг ходимлари ўз лавозимлардан фаразли мақсадларда ҳеч қачон фойдаланмаслиги учун, иккидунга қарши бирорта сўзни айтмаслиги ҳамда олжаноб мақсадларга эришиш учун қийн курашдан қўрқмаслиги учун нафолатлар ишлаб чиқишлии лозим.

Партияни янгиллаш унинг жамиятдаги ўрнини ва давлат билан муносабатларини, сиёсий мақсадларга эришиш воситаларини таялаб олшини тушуниб этишга янгича ёндашушни тақозо этади. Партия фақат қонуний сиёсий усуллар билан ҳаракат қилади. У демократик сайловларда сайловчилар партия сайловли дастуриини, сиёсатини ва амалий ҳаракатлари асосий йўналишларини қўллаб-қувватлашига эришиб, депутатлик мандатлари учун курашади. Партия давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларини шакллантиришда қатнашиб улар орқали ўз сиёсатини ўтказилади. Партия демократик ўзгаришлар дастури бажарилиши манфаатларини қўллаб бошқа партиялар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишга, вазият тақозо этган жойларда эса улар билан иттифоқ ва битим тузишга тайёрдир. Коммунист депутатлар озчиликни ташкил этувчи ҳокимият органларида улар амалий муҳолифлар жойини эгаллаб, меҳнаткашларнинг манфаатларини, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳар қандай камситишга қарши чиқайдилар. Коммунист депутатлар бошқа парламент фракциялари билан ҳамкорлик қилиб, бошқа партиялар ва ҳаракатлар бошқа берган ижобий ташаббусларга кўмаклашадилар.

Партия, унинг ташкилотлари ҳокимиятнинг барча тузилмаларида ўз вакилларини қўллаб-қувватлаб, уларнинг аниқ қарорлари ва ҳаракатларини ошқора танқид қилиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Партияни демократиялаш, кенг ижтимоий мулоқотни йўлга қўйиш партия оммавий ахборот воситалари аҳамиятини анча қучайтириши тақозо этади. Биз матбуот, радио ва телевидениенинг юксак касб-маҳорати ва маъсулияти ҳамда холислиги тарафдоримиз.

КПСС ўз аъзоларининг муайян гоъвий қадриятларига содиқлиги асосига қурилади. Улардан биз учун энг муҳими — инсонпарвар, демократик социализм гонсидир. Биз Маркс, Энгельс, Ленин таълимотининг дастлабки инсонпарварлик қондаларини қайта тиклаб ва ривожлантириб, Ватанимиз ва жаҳондаги социалистик ҳамда демократик тафаккурнинг бутун бойлигини гоъвий қуралимиз қаторига қўшамиз. Биз коммунизмин тарихий истиқбол, умумбашарий қадриятларга, тараққиёт ва адолатни, шахс ўзини эркин намоён қилишини уйғун бirlаштиришга асосланган ижтимоий юксак оруз деб биламиз.

четлашиб қўйилганлиги воқелигича қолмоқда. Шу сабабли ижтимоий тараққиёт истиқболлари жаҳондаги барча мамлакатлар маданиятини, аънаёларини, аҳволининг ўзига хос ҳусусиятларини ҳисобга олмасдан туриб, ижтимоий муаммоларни «ғарбий» қарашлар асосига қуриш мумкин эмас.

Жаҳонда юз бераётган ўзгаришлар социализмнинг тарихий тақдирига янгича қараш имконини беради. Социалистик ҳаракат санаот даврида вужудга келди ва асосан ўша вақтдаги жамиятнинг ўткир синфини қарама-қаршиликларини акс эттирган муҳолифлик сиёсий маданиятига асослади. Жаҳоннинг ҳозирги тараққиёти жараёнида вужудга келётган янги илм-знэ матрифати классик санаот жамияти тўғрисидаги, унинг қарама-қарши синфларга қатъий ажраллиси ҳақидаги, меҳнат билан капиталнинг бир-бирига қарама-қаршилиги, ижтимоий тизимларнинг муҳолифлиги тўғрисидаги одатдаги тасаввурларга мос келмайди.

XX аснинг бутун таърибаси социалистик тамойиллар айрим мамлакатларда ажралиб қолмаганидиган, балки, жаҳон ҳамжамияти тараққиётининг жаҳоншумул жараёни эканлигидан, у барча халқлар меҳнати ва маданияти олий ютуқларига таяниб, одамларнинг ижтимоий адолатга, эркинлик ва демократияга интилишларини акс эттиришдан далолат бермоқда. Илм-знэ тараққиёти умумжаҳон жараёнида социалистик воқеликларнинг тобора қучайиб ва кенгайиб бориши равшан кўриниб қолган истиқбол ана шундайдир.

Социализм, демократия, тараққиёт — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг мақсадлари ана шундай. Ишонччилик қилишим, бу мақсадлар халқларнинг манфаатларига мос келади. Ҳар бир кишининг эркин ривожланиши ҳаммамнинг эркин ривожланиши шарт бўлган жамиятнинг келажги порлоқдир.



1991 Яшадар Жавоиди

ЁДАВ ОЛИНГ

- ХУБ ЭРМАС ДАИН МУДДАОСИ ЭЛГА
- КИМ. ҚАТИГ ЭРУР БУРЧ БАЛОСИ ЭЛГА,
- ҚАЙТАРМОҚ ЭРУР АНИНГ ДАВОСИ ЭЛГА
- КИМ. ДИНДИН ЭРУР БУРЧ АДОСИ ЭЛГА.

Маълумки, узоқ йиллар давомида мактабларимизда таълим-тарбия бирлигига эришиш гоёси илгари суриб келинди, амалиётда «Таълим бериб тарбиялаймиз, тарбиялаб таълим берамиз» ширинга амал қилинди.

Ўқувчиларга тарбия беришда, дейиш адалатдан бўлмайди. Лекин у фақат гоёвий-сўбсий, яъни ватанпарварлик, байналмиллатлик руҳидаги ва атенстик тарбия эди. Еш авлод ватани тор қўбидга бешиш, Коммунистик партия гоёларига содиқ бўлиши, бошқа ижтимоий тузумлардан, ўтмишдан нафратланиши, коммунизм га-лабасига асло шубҳаланмаслиги, бахтли, болалиги учун партия ва ҳукуматга ташаккур айтиши керак эди. Барча дарсликлар шу гоё билан суғорилган эди. Ўқувчиларда ажодлар маданияти меросига, халқ тарихи, урф-одатлари ва илгор анъаналарига муҳаббат, шу халққа мансубликдан фахрланиш ҳисси уйғотилмасди. Қисқаси, бериладиган тарбиянинг ўзи тарбияга муҳтож эди.

Бизнингча, мактабларда зарурли равишда тарбия дарслик жорий этиш керак. Бундай машғулотлар ҳамма синфларда мунтазам ва босқичма-босқич олиб борилиши лозим. Бу узоқ-юзук ва бир-ёқлама эмас, балки инсон шахсини шакллантириши ўз олдига мақсад қилиб қўядиган, умумбашари қадриятларни тарбия қиладиган, ажодларимизнинг бой маданияти меросига ҳурматини, ҳақиқий инсонийлигини, меҳнатсеварлигини, она юртва садақатини, табии ҳақиқат муҳаббатини, турли халқлар ва эллар билан дўстлик ва ҳамжиҳатлигини ёш авлод оғинга сингдирадиган тарбия бўлиши.

Таълим жараёнида ўқувчиларга самарали тарбия бериб бўлмайди. Ўқитилгандан кўнгини фаълининг инсон шахсини тарбиялашдаги имконияти чекланган. Лекин баъзиларнинг тарбиявий мақсадларга тўла буюндирас бўлади. Масалан, адабиёт дарсликда ҳулқ-атвор, одоб-ахлоқ инсонпарварлик, ватанпарварликдан бемалол сабоқ бериш мумкин.

Фикримизча, тарбиячи (муаллим)нинг ўзини махсус тайёрлаш, шу мақсадда педагогика ўқув юртида тарбия факультетлари очилиши мақсадга мувофиқ. Чунки тарбиянинг илмий асослари

ни, халқ педагогикасини, амалий ва назарий психологияни, ажодларимизнинг ахлоқ-одобга оид бой меросини пухта эгаллаган кишини на афлот тарбияси билан муваффақиятли шуғулланиши мумкин.

Мактабларда тарбия дарслик бўлишини тақозо этаётган яна бир муҳим сабаб бор. Маълумки, сўнгги йилликлар мобайнида республикамиз шаҳар ва қишлоқларида хотин-қизларни ижтимоий фойдали меҳнатга вакил қилиб этишда қўриқ кўрсатишлари эришилди. Шунинг натижаси ўлароқ, аввало энг аввало ўз онлиқ бурчларини, тарбиячилик вазифаларини бажариш имкониятидан маҳрум бўлиб қолдилар. Иқтисодий қашоқликнинг шарфатсиз талаби тугайли оналарни ўз иссиқ хонадонларига қайтариш чўзилиб кетаётган экан, бу ҳол мактабларда тарбия дарслик жорий этиш ниҳоятда зарурлигини тақозо қиляпти. Ўзини ҳожири мактаб ота-оналарнинг тарбиячилик вазифасини ҳам ўз зиммасига олиши лозим.

Ўқитувчи орасининг тушиш кетишига, таълим-тарбия сифатининг ёмонлашиб бораётганига яна бир сабаб бор. У ҳам бўлса, мактабларимизда аёл муаллимлар салмоғи ортиб бораётганидир. Эндилкида ўқитувчилик асосан хотин-қизлар касби бўлиб қолмоқда. Шу масалага дахлдор уч ҳолатни кўрсатиш мумкин.

Биринчидан, педияститутларда ўқитиш мuddати 4—5 йил, талаба қизларнинг кўпчилиги билимгоҳини битирмаёқ турмушга чиқади ёки шунинг тадоригини кўради. Бу — ҳаёт қонуни (Бахтли бўлишини). Институтни эндигина битирган келинчақ муаллима мактабда бир йил ишлаб-ишламаёқ фарзанд кўради. Сўнг қонуний ҳуқуқлардан фойдаланиб, боласи 3 йашар бўлгунча уйда ўти-

риши, агар йетиб бўлса, бирор ой ишлаш, кейинги фарзандни кўриш учун қонуний таътилни олиши мумкин. Болақон муаллимларимиз ёши ўртасидаги тафовутни узайтириб юбормасдан фарзандларини бир йўла 5—6 тага етказиши маъқул кўрилади. Қарабаски, улар 12—15 йил мактаб ҳаётидан ажралиб қоладилар. Турғи, га хос сифатларини йўқотиб, ўзaro муносабатларда аёлларга ўхшаб қолаётдилар.

Ўқитувчилик касби кишиндан мустақкам иродани, куч-қувватни, тинимсиз меҳнатни, ўз устида муттасил ишлашни, маълум маънода фидойиликни, жиддийлик ва қатъиятни, яна бошқа қўлаб сифатларни талаб этади. Аёл ўқитувчиларимиз олдига ана шундай хислатларга эга бўлиш шартини қўйиш уларга нисбатан шафқатсизлик. аини пайтда гуноҳдир. Хотин-қизларни эшиш ҳисобига яшайдиган жамият эса энг ношуд ва бахтиқаро ҳисобланади. Бундай ҳолатлар ва нохуш таъмилийнинг олдини олиш учун педагогика олий ўқув юртига талабалар қабул қилаётганда ўғил болалар сонини кескин кўпайтириш керак.

Учинчидан, ҳозирги фантехника инқилоби даврида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари, аиниқса санаят ишлаб чиқариши ўқувчиларга берилаётган билим сифати ва самардорлигини кескин яхшилаш, ўқитувчининг замонавий фан ютуқларини билиши, таълим-тарбиянинг илгор усулларини мактаб ҳаётига табиқ этиши вазифасини биринчи ўринга қўймоқда. Бугунги мураккаб вазиетда фақат энгак ўқитувчиларгина ана шундай сермаҳият ва вақталаб ишини уaldasан чиқа оладилар.

Халқ маорифи жиддий ўзгаришларга муҳтож. Барча яхши ниятли кишилар, энг аввало зиёлилар лоқайд турмасликларига керак, чунки гап бу ерда жаҳонга буюк даҳларни берган улуг миллионли захматкаш халқ маънавиятининг келажиги, жаннатмакон ватаниннг иқтисодий ва сийсий мустақиллиги билан бевосита боғлиқ ҳаётини масала ҳусусида кетаяпти.

Муҳаммадқон РАҲИМОВ,
Қодирқул НИЗОМОВ,
фалсафа фанлари номзодлари.

Халқ сайллари КИМНИНГ ҚОВУНИ ШИРИН?

9 август кун К. Маркс кўчасида ва унинг ёнидаги хиб-бонда қовун сайли бошланди, кейинчилик эса сайл шаҳарнинг барча районларига тарқалади. Уч кун давом этадиган қовун сайлида миғлаб тошқонликлар ва жумҳурият пойтахтининг меҳмонлари қатнашадилар.

Тошкент шаҳар деҳқончилик-санаят идорасининг ходимлари сайлга бир ярим минг тонна полиз неъматлари, 2 минг тоннага яқин турлукан мева ва сабзавот маҳсулотларини тайёрлаб қўйдилар. Жиззах, Андижон ва Сирдарё вилоятларининг деҳқонлари ҳам ўз маҳсулотларини олиб келдилар. Савдо, умумий ов-

қатланиш соҳаси ходимлари ҳам сайл кўнгидаги деҳқон ўтиши учун ҳаракат қилдилар. Қовун билан бирга совға-салом буюмларини сотиб олиш, па-лов, қабоб, шўрва каби таомларни тоғиб кўриш, бир пил-ле чой ҳам ичиш мумкин.

Байрам мусиқасиз, шоду хуррамсизлик бўлармики? Пойтахтимизнинг майдонлари ва истироҳат боғларида қарино сурнай овози янгради, кўшиклар ҳаволагани, асиячиликларнинг мусобақалари бошланди.

Қовун сайли қизиқарли бўлишига ишонамиз.

[ЎЗАГ мухбири].

Талабинизга биноан мусоҳаба СПИРТЛИ ИЧИМЛИКЛАРНИНГ ЯНГИ НАРҲИ

Ҳафта бошланиши билан рўзномамиз таҳририятга муштарийлар тинимсиз кўнгирақ қилиб туришибди.

«Вино-арақ маҳсулотларининг нархи ошгани ростми!» — деб сўрашапти улар. Ҳақиқий аҳолини билиш мақсадида Савдо вазирлиги билан телефон орқали боғландик. Нархлар бўлим бошлиғи Виктор Дмитриевич ТАҒЦЕРЕВ саволларимизга жавоб беришга рози бўлди.

— Нарх-навоининг навабдалари ошганини, очингани айтганда, кўпчилик кутмаганди. Турғи!

— Унчалик эмас. Анчадан бунун шўрва овоза бор эди. Республика Вазирлар маҳкамасининг қарори яқинда қабул қилинди.

— Нархлар қанча кўтарилди?

— Турлича. Шунинг учун ҳам оммабоп баъзи товарлар бўйича мисол келтира қолай. Талонларга берилаётган «Русская» арағи илгари 8 сўм 90 тиын, ёки 9 сўм 50 тиын турарди. Эндилкида 12—12 сўм 20 тиындан сотилади. «Столичная» арағининг нархи 9 сўм 80 тиындан 14 сўмга кўтарилди.

— Фақат арағининг нархи ошдими?

— Йўқ. Вино-арақ маҳсулотлари барча турининг нархи янги белгилади. «Уч юлдузи» коньяк 22 сўм 50 тиын, «Шампанское» 11 сўмдан 20 тиынга кўтарилди. «Баян ширей» 2 сўм 50 тиынга кўтарилди. «Чашманин» янги нархи 5 сўм, «Узбекистон» порвейини эса 4 сўм 50 тиын бўлди.

— Булар қатъий нархларми?

ТАРБИЯСИЗ ТАРБИЯДАН ҚОЧАЙЛИК

Учинчидан, педияститутларда ўқитиш мuddати 4—5 йил, талаба қизларнинг кўпчилиги билимгоҳини битирмаёқ турмушга чиқади ёки шунинг тадоригини кўради. Бу — ҳаёт қонуни (Бахтли бўлишини). Институтни эндигина битирган келинчақ муаллима мактабда бир йил ишлаб-ишламаёқ фарзанд кўради. Сўнг қонуний ҳуқуқлардан фойдаланиб, боласи 3 йашар бўлгунча уйда ўти-

риши, агар йетиб бўлса, бирор ой ишлаш, кейинги фарзандни кўриш учун қонуний таътилни олиши мумкин. Болақон муаллимларимиз ёши ўртасидаги тафовутни узайтириб юбормасдан фарзандларини бир йўла 5—6 тага етказиши маъқул кўрилади. Қарабаски, улар 12—15 йил мактаб ҳаётидан ажралиб қоладилар. Турғи, га хос сифатларини йўқотиб, ўзaro муносабатларда аёлларга ўхшаб қолаётдилар.

ДАМ ОПИШГА ВИЛНЮСГА

60 дан зиёд ўзганлик, новиталик этим болалар дам олгани Лигва пойтахтига жўнаб кетди. Улар Вилнюс яқинида жойлашган «Кауно Марс» кашшофлар оромгоҳида 20 кун бўладилар.

Бу хайри ишни халқ депутатлари Уш вилоят Кенгаши, Вилоят партия комитети ҳамда В. И. Ленин номидаги Бунтунитфок болалар жамғармаси вилоят бўлими ўз зиммаларига олишган.

Маълумки, ўтган йили ўқувчиларнинг Ваги таътил масу-ми Уш овқалари содир бўлаётган даврга тўғри келганди. Шу босқич асосан ота-оналар ўз болаларини вилоят ҳудудида жойлашган кашшофлар оромгоҳларига ҳам жўнатилмаганди.

Раҳим ҚАРИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қарор ижроси билан...

АТАМАҚҶМ ҚАРОРИ — ВОЖИБ

Шу кунларда жамоатчиликдан келаётган кўпдан-кўп хатларда матбуот саҳифаларида хилма-хил қўлланилаётган маъмурий-ҳудудий атамаларни тартибга солиш зарурлиги талаб этилмоқда. Дарҳақиқат, рўзномалардан баъзилари ноҳия, вилоят, жумҳурият, шўро деб ёзгани ҳолда, бошқа қисман район, республика, совет тарзида ишлатмоқда. Бу масалага аниқлик киритиш ва хилма-хилликка барҳам бериш учун, бизнингча, «Узбекистон Вазирлар маҳкамаси ҳузурига ваколатли ташкилот — Атамашунослик қўмитаси тавсияларига риоя қилиш зарур. Чунки 1989 йил 26 декабрдаги Фармойиши билан ташкил этилган Атамқўм ўзбек тилида фан ва техниканин барча соҳаларига оид етма лўғталарини туздирди, муҳокама қилиши ва нашарга тавсия этиш мумкин. Атамқўм ишларига турли массул ходимларнинг жалб этилган. Бундан ташқари, ҳар бир фан соҳаси бўйича атамашунослик бўлими яна шўбалари ҳам ташкил этилиб, уларга шу соҳанингни таниқли олишлари биринтирилган. Қарош этиладиган атам лўғталар ва номлавишлар дастлаб мутахассислар тақриздан ўтказилгач, бу бўлими ва шўбаларда муҳокама этилиб, маъқулланган кейин Атамқўм йиғилишида тасдиқланади. Тасдиқланган атам ва номлавишлар эса қонуний кўчга эга бўлади. Чунки Атамқўм «Низомида» Атамашунослик қўмитаси томонидан тасдиқланган атамлар фан-техника соҳаларида, маориф муассасаларида, нашрият, газет, журнал таҳририятларида, радиозаширтириш

ва телекўрсатувларда қўлланиш мажбурий ҳисобланади деб тақкидланган. (Қаранг: «Узбек тили атамашунослиги», Т. 1990-йил, 8-бет).

Атамашунослик қўмитасининг 1990 йил 21 майда бўлган навабдаги йиғилишида тилимизда қўлланиб келаётган бир қанча русча-байналмиллат атам ва номлавишларнинг ўзбекча муқобиллари муҳокама қилиниб, қўллаш учун тавсия этилган эди. Улар орасида идораларнинг расмий қозғолари ва муҳрларида акс этадиган (ёзиб қўйиладиган) бир қанча маъмурий-ҳудудий соҳаларга оид атамалар ҳам бор эди. Уларнинг ягона шаклини талаб этиш ниҳоятда мураккаблиги ҳисобга олиниб, матбуотда муҳокама учун эълон қилинди. Сўнгра кўнгила илм даргоҳлари (шу жумладан Фалсафа ва ҳуқуқ илмгоҳида ҳам), рўзнома ва жерда таҳририятларида ва нашриятларда, Езувчилар уюшмасида ҳамда Уш вилоятда (жамми 22та ташкилотда) кўриб чиқилди. Улардан келган фикр ва тавсиялар қўмитанин кенгайтирилган бюро йиғилишларида муҳокама қилинди. Кўпчилик томонидан маъқулланган ўзбекча муқобиллар Атамқўмнинг умумий йиғилишига ҳавола этилди. Атамқўмнинг ҳам узоқ муҳокамадан сўнг яққала-яққала овозга қўйилиб, ҳар бирининг ягона шакли тасдиқланди. Масалан, амал-қўлланилаётган «район» шўбалари ҳам ташкил этилиб, уларга шу соҳанингни таниқли олишлари биринтирилган. Қарош этиладиган атам лўғталар ва номлавишлар дастлаб мутахассислар тақриздан ўтказилгач, бу бўлими ва шўбаларда муҳокама этилиб, маъқулланган кейин Атамқўм йиғилишида тасдиқланади. Тасдиқланган атам ва номлавишлар эса қонуний кўчга эга бўлади. Чунки Атамқўм «Низомида» Атамашунослик қўмитаси томонидан тасдиқланган атамлар фан-техника соҳаларида, маориф муассасаларида, нашрият, газет, журнал таҳририятларида, радиозаширтириш

Агар ҳукумат фармойишига риоя этиладиган бўлса, Атамқўм қарори барча учун вожибдир ва аини шу қайда этилганлар расмий атам сифатида қўлланиши зарур. Чунки маъмури атамалар тилимизда маълум даврга қўлланган ва тарихий анъаналаримизга мос келади. Бундан ташқари, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши унинг ҳақимизининг барча жаҳаларида, жумладан, маъмурий-бошқарув ва илгор ҳужжатларида ҳамда номлавишларида кенг қўлланишини тақозо этади.

Қарор асосида тавсиялар берилганига ҳам бир йилдан ошди. Кўнгила идоралар ўз муҳр ва махсус қозғоларини шу асосда ўзгартириш олдидан келтириш ва турлича фикрлар билдириш — тўйдан кейин ногора челишига ўхшайди. Қўмита мажлисида иштирок этиб, қарорин тасдиқлаган баъзи кишиларнинг эндиликда унга риоя этмаслиги эса субутсизлиқдир.

Бу соҳада Атамқўм раҳбарлиги томонидан йўл қўйилган асосий қамчилик шундан иборатки, маъмур тавсия ўз вақтида матбуотда эълон қилинмади. Қўмита томонидан тайёрлаб нашр этилган «Ахборотда» эса тавсия этилган ягона ўзбекча атам аини унинг русча-байналмиллат муқобили ҳам ҳеч бир изоҳсиз тираб қўйилди.

Биз Атамқўм тасдиқлаган ўзбекча атамалардан расмий ҳужжат ва ахборотларда дадил ва ўрнили фойдаланишини, бу борадаги хилма-хиллик чек қўйиши тақкид этамиз. Чунки улар ваколатли ташкилот томонидан тасдиқланган ва тавсия этилган тўла ҳуқуқли атамалардир.

Нарзулла ҚОСИМОВ,
Атамқўм бош мутахассиси,
Муаттар РАМАЗОНОВА,
Атамқўмнинг биринчи тоифали мутахассиси.

ЖИЗЗАХ ЯНГИЛИКЛАРИ

ХОТИРА ТУРНИРИ

ЎТКАЗИЛДИ

ЗОМИНДА футбол бўйича Афғонистон турроғида шакли бўлган, Кизил юлдуз ордени нишондори Руслан Алнов хотира турнири ўтказилди. Унда Ульяново пахта тозалаш заводи жамоасини 2:0 ҳисобда енгган район байналмиллатчи жағчилар командаси голиб чиқди. Ҳар ўйинда шакли кетганлар «бот-бот» ёгда олинди. Уларнинг номларида мукофотлар таъсис этилиб эгаларига топширилди.

«СЕН ЕТИМ ЭМАСАН»

«БҶСТОН сув қурилиши» трестига қарашли «Ешлик» болалар оромгоҳи бу йил янада гаважум. Ҳозир бу ерда 60 нафар тошкентлик етим болалар ҳордиқ чиқармоқдалар. Улар обдон дам олишлари учун барча имкониятлар яратилди.

МУНОСИБЛАР

СОВРИНДОР

ЗОМИНДА вилоят ёш хонандаларининг «Камолот—91» кўрик-танлови ўтказилди. Танловда Дўстлик районидagi «Октябрь» 50 йиллигини давлат кўнгилига қарашли «Чекран» дастасининг бадий раҳбар Урозулло Ҳудойназаров голиб чиқди. Зомилик Эгамберди Бобоев билан

зарбдорлик Юсуфжон Қари-мовлар ҳам фахрли ўринларга сазовор бўлишди. Улар энди республика миқёсидаги кўрик-танловда қатнашадилар.

«ЕШЛИК»

НИШ БОШЛАДИ

ДУСТИК. Манакон Даджонов номли давлат кўнги-лида «Ешлик» ансамбли ташкил этилди.


Мирзоқид Ирисбоев раҳ-барлигидаги бу ансамбль қатнашчилари дала меҳнат-кашлари ҳузурда тез-тез бўлиб, уларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришлариға кўмаклашмоқдалар. Янги ансамбль ўз репертуарини миллий ва қардош халқларнинг кўнгили нуй ва лапарлари билан бойитмоқда.

БИР ҚИСМИ

АҲОЛИГА

ГАЛЛАОРОЛ. Карл Маркс номли давлат хўжалигининг Эшбой Шукров бошлиқ шир-кат жамоаси 800 гектар ер-нинг ҳар гектардан 12 цент-нердан дан олишга эришди. Бугдойнинг бир қисми аҳо-лига, қолгани шартнома асо-сида қўшни районларга сотил-ган.

Абдулқосим МАМАРАСУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Жиззах ички ишлар бошқармаси ходимлари ушган жиноятчилик ва иқтисодий қўпурувчиликка қарши курашда фаоллик кўрсатмоқдалар. СУРАТДА: эксперт-криминалистика бўлими бошлиғи, милиция капитани Аъзам Урунов ва шу бўлим ходими Станислав Ким иш устида.

Зокир ИМОМНАЗАРОВ олган сурат.

Бош муҳаррир вазифини бажарувчи: Н. С. САЪДУЛЛАЕВ.

Таҳрир ҳаёти: А. А. АБДУЛЛАЕВ, Ф. Я. АБДУРАҲИМОВА, И. Г. ВОЛКОВ, Д. М. ГУЛОМОВА, С. С. ГУЛОМОВ, З. И. ЕСЕНБЕКОВ, А. И. КОВАЛЕВ [масъул котиб], Л. П. ҚАНОМОВ, М. М. МУХАММАДҚУЛОВА, С. Ф. МУХИДИНОВ [масъул котиб], Т. Э. НАЗАРОВ [бош муҳаррир ўринбосари], З. Қ. НОРМУХАМЕДОВ, Л. Н. ПАК [бош муҳаррир ўринбосари], Т. Р. ПИ-ДАЕВ, М. РҶЗИММАНОВ, О. Р. САИДОВ [бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари], В. Н. СИГЕ-ДИН, Ш. ТЕМУРОВ, Т. ҲОБИЛОВ [таҳрир МАЛИКИ].

МУАССИС: Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши **МАНЗИЛГОҲИМИЗ:** 700000, ГСП

Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй

Телефонлар: 32-09-67, 33-07-48. Индекс: 64608. Буюртма № 5837.

118800 нусхада чоп этилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриятининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан таъинланган. Тошкент шаҳри, 700083. Ленинград кўчаси, 32-уй. Насбига топшириш вақти 21.00. Босиниға топширилди: 23.00. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12